ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 12

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.12.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz
Rasmiy sayt:
www.philologicalresearch.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, *filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)*
Shoxista Maxmaraimova, *filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)*
O‘ral Xoliyorov, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)*
Olmos Ulviy Binnatova, *f.f.d., professor (Ozarbayjon)*
Karl Rayxl, *f.f.d., professor (Germaniya)*
Vali Savash yelok, *f.f.d., professor (Turkiya)*
Dorota Silviya, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)*
Muslihiddin Muhiddinov, *f.f.d., professor (O‘zbekiston)*
Ibodulla Mirzayev, *f.f.d., professor (O‘zbekiston)*
Abdi Mamatov *f.f.d., professor (O‘zbekiston)*
Suyun Karimov *f.f.d., professor (O‘zbekiston)*
Muhammadxon Hakimov, *f.f.d., professor (O‘zbekiston)*
Nafas Shodmonov *f.f.d., professor (O‘zbekiston)*
Dilmurod Quronov, *f.f.d., professor (O‘zbekiston)*
Murodqosim Abdiyev, *f.f.d., professor (O‘zbekiston)*
Baxtiyor Mengliyev, *f.f.d., professor (O‘zbekiston)*
Normat Yo‘ldoshev, *f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)*
Abdulla Xudoyqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Bobonazar Murtazayev, *f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)*
Asqar Eshmo‘minov, *f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)*
Obidjon Shofiyev, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)*
Zafar Umurqulov, *f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)*
Nurali Amonturdiyev, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Hakim Ahmedov, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Ahad Shukurov, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Eshnazar Jabborov, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Abdumurod Arslonov, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Sirojiddin Turdimurodov, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Umida Raximova, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Gulchehra Begmatova, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Nargis Qurbonazarova, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Muyassar Xolova, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Shoira Omonturdiyeva, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Sherzod Turdiqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Zaynura Qodirova, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Humayun Nadim Muhammad, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*
Dilrabo Ergasheva, *f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)*

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.12.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100
Цена договорная
Заказ: 155
Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул.
Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
www.philologicalresearch.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ,
доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, *доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)*
Шохиста Махмараимова, *доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)*
Урал Холияров, *ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Олмос Улвий Биннатова, *д.ф.н., профессор (Азербайджан)*
Карл Райхл, *д.ф.н., профессор (Германия)*
Вали Саваш Елок, *д.ф.н., профессор (Турция)*
Дорота Сильвия, *PhD, доцент (Польша)*
Муслихиддин Мухиддинов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Ибодулла Мирзаев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Абди Маматов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Суюн Каримов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мухаммадхон Хакимов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нафас Шодмонов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Дилмурод Куронов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мурадкасим Абдиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Бахтиёр Менглиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нормат Юлдашев, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Абдулла Худайкулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Бобоназар Муртазаев, *ф.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Аскар Эшмуминов, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Обиджон Шофиев, *д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Зафар Умуркулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Нурали Амонтурдиев, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хаким Ахмедов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Ахад Шукуров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Эшназар Джаббаров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Абдумурод Арслонов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Сирожиддин Турдимуродов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Умида Рахимова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Гульчехра Бегматова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Наргис Курбаназарова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Муяссар Холова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шаира Амонтурдиева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шерзад Турдикулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Зайнура Кадирова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хумаюн Надим Мухаммад, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Дильрабо Эргашева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President`s Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.12.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94
Offset printing. Offset paper
Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155

Printed at the
«Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
www.philologicalresearch.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)*
Shohista Makhmaraimova, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)*
Ural Kholiyorov, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Olmos Ulviy Binnatova, *doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)*
Karl Rayxl, *doct.of philol. sciences, professor (Germany)*
Vali Salvash Elok, *doct. of philol. sciences, professor (Turkey)*
Dorota Silvia, *PhD, associate professor (Poland)*
Muslihiddin Mukhiddinov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Ibodulla Mirzaev, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Abdi Mmatov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Suyun Karimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muhammadkhon Khakimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Nafas Shodmonov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Dilmurod Kuronov, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muradkasim Abdiyev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Bakhtiyor Mengliev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Normat Yuldashev, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Abdulla Khudaykulov, *PhD (Uzbekistan)*
Bobonazar Murtazaev, *cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Askar Eshmuminov, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Obidjon Shofiev, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Zafar Umurkulov, *PhD (Uzbekistan)*
Nurali Amonturdiev, *PhD (Uzbekistan)*
Hakim Akhmedov, *PhD (Uzbekistan)*
Ahad Shukurov, *PhD (Uzbekistan)*
Eshnazar Jabbarov, *PhD (Uzbekistan)*
Abdumurod Arslonov, *PhD (Uzbekistan)*
Sirojiddin Turdimurodov, *PhD (Uzbekistan)*
Umida Rakhimova, *PhD (Uzbekistan)*
Gulchekhra Begmatova, *PhD (Uzbekistan)*
Nargis Kurbanazarova, *PhD (Uzbekistan)*
Muyassar Kholova, *PhD (Uzbekistan)*
Shoira Omonturdiyeva, *PhD (Uzbekistan)*
Sherzod Turdikulov, *PhD (Uzbekistan)*
Zaynura Kadirova, *PhD (Uzbekistan)*
Humayun Nadim Muhammad, *PhD (Uzbekistan)*
Dilrabo Ergashova, *PhD (Uzbekistan)*

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

JO‘RAYEVA BIBISH MUXSINOVNA,
TO‘XTAYEVA DILAFRUZ ASHUROVNA
Ekspressivlik va intensivlik munosabati.....7

ЁҚУБОВ ШАРИФ
Дарбанд, Темир дарвоза, Оққўтал ва
“Темирдан ясалган дарвоза” атамалари таҳлили 11

SHUKUROV AHAD AHMADOVICH
Tarixiylikni ifodalovchi eskirgan so‘zlar 15

AMONTURDIYEV NURALI RASHIDOVICH
O‘zbek tili izohli lug‘atlarida etnografizmlar aksi 18

RAXIMOVA UMIDA DJUMAYEVNA
Hamid Olimjon ijodida so‘z sehri 23

TURDIQULOV SHERZOD DUMINOVCH
Onomastik ko‘lamda teotoponimlar tadqiqi.....26

ABDURAXMANOV SHAVKATJON ASHUROVICH
Funksional sintaksis haqida mulohazalar.....29

VAFOYEVA MUXAYYO YULDOSHEVNA
Sinonimlarda miqdor o‘zgarishlarining ayrim ko‘rinishlari xususida.....32

TUYCHIYEVA OYDIN SAYFULLAYEVNA
Fors tilida shart-istak mayli qo‘llanilishining o‘ziga xos xususiyatlari.....36

SHAYMARDANOVA AZIZA RAIMJANOVNA
Intralingval lakunalarning lisoniy tabiati 40

DUSNAZAROVA MAVJUDA ILYAMONOVNA
Nikoh marosimlarida milliy o‘zlikning aks etishi.....46

KADIROVA SAIDA MAXSUDOVNA
Badiiy tasvir va ifoda vositalarining adabiyotdagi roli 49

МУНДАРИЖА

TO‘YCHIYEVA ZULAYHO HAMROQO‘LOVNA
Islomiy paremalogik religionimlar 53

ABDUVALIYEVA KAMOLA SHAVKAT QIZI
“Shajarayi turk” asaridagi etnonimlarning hozirgi
O‘zbekiston hududida etnotoponim sifatida uchrashi 56

RAHMATULLOYEV AHTAM A’ZAM O‘G‘LI
Fors tilida otning semantik tasnifi 60

HAMDAMOVA NASIBA TO‘RABEKOVNA
Diniy leksikaning semantik xususiyatlari
(ekzotik leksika, frazeologizmlar, paremiologik birliklar misolida).....64

YO‘LDOSHEVA NARGIZA
“Alpomish” dostonida mavjud fonetik dialektizmlar.....68

ВАПАЕВА АНАХОН НАСУРИЛЛАЕВНА
Молодёжный сленг в вузах: дешифровка
(на примере студентов Университета Маъмуна) 71

ИСМАИЛОВА ФЕРУЗА ИСМАИЛОВНА
Народные пословицы в произведениях русских писателей.....75

OBLOQULOVA ZILOLA ULUG‘BEKOVNA
O‘zbek tilida taqinchoq nomlari semantikasi.....79

ADABIYOTSHUNOSLIK

КАДИРОВА ОЛИЯ ХАМЕДОВНА
Жанровое многообразие циклических произведений.....83

TA’LIM

XOJIYEVA IRODA ZOKIRJON QIZI
Ta’lim tojik tilida olib boriladigan umumta’lim maktablarda o‘zbek tili
(davlat tili) fanini o‘qitishning ilmiy-nazariy asoslari 90

Резюме. Это возможно благодаря технологии «усиления» характерной выразительности и интенсивности. Отношение интенсивности к выразительности означает, что выразительность в нашей речи часто сводится к ее усилению и требует образования сочетаний, изучающих стиль с точки зрения. Кроме того, эти две категории считаются внутренними категориями языкознания, и обе они не только помогают донести информацию, но и оказывают сильное влияние на собеседника. Формальные стороны выразительности и интенсивности совместимы друг с другом, то есть обе категории содержат показатели эмоциональности и интенсивности.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 12
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ДАРБАНД, ТЕМИР ДАРВОЗА, ОҚҚЎТАЛ ВА "ТЕМИРДАН ЯСАЛГАН ДАРВОЗА" АТАМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ёқубов Шариф,
Термиз давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

Топонимлар ономастиканиниг бир тури бўлиб айримлари жуда қадим замонлардан буён мавжуд бўлса, бир қатор топонимлар яқин ўтмишимизда ҳосил бўлган номлар ҳисобланади. Баъзи топонимлар ҳозирги кунда ҳам юзага келаётгани маълум. Шунинг учун улар қайси даврда юзага келган бўлса ўша давр кишиларининг турмуш тарзи, яшаш шароити, анъаналари, урф-одатларини, диний ва дунёвий дунёқарашларини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Шу жиҳати билан улар ўзбек тили лексикасининг ривожланиб боришига монанд равишда тараққий этади. Айримлари ўтмиш даврлар даракчиси бўлиб хизмат қилади[1]. Айрим топонимларнинг маъносини осон тушиниб олиш мумкин бўлгани ҳолда баъзиларининг семантик мазмунини бир қатор тадқиқотлар орқали тушуниб олиш, унинг асл маъно-моҳиятини англаб олиш мумкин. Чунки уларнинг айримлари ўтмиш даврларда пайдо бўлиб, кейинчалик хилма-хил сабабларга кўра товуш ўзгаришига учраб тўғридан-тўғри маъносини тушуниб олиш қийин бўлади. Шу жиҳатдан қараганда Вилоятимизнинг Бойсун туманидаги машҳур Темир дарвоза ҳудудида жойлашган Оққўтал топоними ҳам ана шундай жой номи ҳисобланади. Термиз – Тошкент автомобил йўлининг Шўроб дарёси устига қурилган кўприкдан ўтиб бир оз юрилгач, Бойсундан келаётган йўл Дарбанд қишлоғидан 2 км. ўтиб Термиз–Тошкент йўлига қўшилади ва бирдан ғарбга бурилади. Шу ерда бир-бирига яқинлашиб қолган икки тоғ: ўнг томонда Саримас тоғи ва чап томонда Сувсиз тоғининг тик қоялари кўзга ташланади. Ўртада эса Оққўтал тизмаси икки тоғ орасида ястаниб ётибди. Табиатан икки тоғни бирлаштириб турувчи суний сув омборининг тўғонига ўхшаб кўринади.

Дарбанд сўзининг келиб чиқишига Оққўтал тизма тоғининг табиий тузилиши асос қилиб олилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки узоқ-узоқлардан бошланган Сувсиз ва Саримас тоғлари Дарбанд қишлоғи ёнига келиб, Сувсиз тоғи бирдан пасайиб Шўроб дарёсининг водийсига қўшилиб кетади. Саримас тоғи эса ушбу ҳудудга келиб осмонўпар қояларини кўз-кўз қилиб, ғарбга кескин бурилиб, йўналишини ўзгартиради. Икки тоғ орасидаги очиқ жойда ястаниб ётган Оққўтал тизмаси 1,5 км.лик икки тоғ орасидаги жойда пайдо бўлиб ҳар иккаласини белбоғдай боғлаб туради. У тоғлар орасидаги бандга ўхшайди. Оққўтал тизмаси 100-150 метр баландликда жойлашган бўлиб, бу табиий тизма (кичик тоғ) ўртадаги очиқ жойни қўл билан яратилган қирдай боғлаб туради. Бу ҳолат айниқса қирнинг жануб томонидан яққол сезилиб туради. Тоғлар оралаб Шўроб дарёсининг бир текис

[1] Э.Бегматов.Қадимий даврлар даракчиси.// Совет мактаби. 1967 й. 8-сон, -Б. 44-45.

водийсига етиб борган сайёх кўз олдида бир текис икки тоғ орасидаги қир(кўтал) кўзга ташланади. Ана шу тоғлар орасидаги икки тоғни бир-бирига бирлаштириб турган Оққўтал тизмаси баландлиги табиатнинг такрорланмас мўъжизаси сифатида икки улкан тоғни 100-150метр баландликдаги тоғ тизмаси билан боғлаб турибди. "Кўтал" сўзи туркий ва мўғил тилларига хос сўз. Мўғил тилида *хўтўл*–тепа, унча катта бўлмаган қия баландлик[1] маъносини билдиради[2]. Бу сўз қўшни Афғонистон ҳудудида тез-тез учраб туради ва у кичикроқ тоғ ва баландликлардан ошиб ўтиш жойига нисбатан ишлатилади. Тожикистон ва Қирғизистонда ҳам бу лексемали оронимлар кўп. Оққўтал топоними ҳам ***оқ*** ва ***кўтал*** (сифат+от) сўзларининг ўзаро қўшилиши натижасида композицион усулда ҳосил бўлган қўшма сўз. Сўзларнинг ўзаро қўшилиши жараёнида бир қатор товуш ўзгариши рўй барган. *Оқ* сўзига *кўтал* сўзининг қўшилиши натижасида *оқ* сўзининг охиридаги чуқур тил орқа жарангсиз *қ* ундош товушининг тасирида кўтал сўзининг бошидаги саёз тил орқа *к* ундош товушини ўзига ўхшатиб *қ* товушига айлантириб олган. Бу ходиса тилшуносликда прогрессив ассимиляция дейилади. Иккинчи кўтал сўзидаги тил олди юмшоқ *ў* товуши ўзига ёнма-ён турган қаттиқ *қ* товуши таъсирида тил орқа қаттиқ *ў* товушига айланган. Шу туфайли Оққўтал сўзининг лексик маъносида қисман ноаниқлик юзага келган. Маҳаллий одамлар талаффуз қулайлигига эришиш учун бу сўзни ўзларича маданийлаштириб Оққўтон, Оқдавон, Оқтепа каби турли хил кўринишда ишлатишади (Оққўтал–Оққўтал). Аслида бу сўз қўтал тарзида ишлатилади. Бир қатор илмий китобларда ҳам худди шундай ишлатилганлигини кузатамиз[3]. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Афғонистонда бўлган воқеаларни тасвирлар экан "кўтал" сўзини тез-тез тилга олади. Ушбу асарнинг 188-бетида Жавак кўтали, Тул кўтали, Бозарак кўтали, Шибарту кўтали, Қипчоқ кўтали каби кўплаб кўталлар учрайди. "... Яна бири Парвон йўлидир, улуғ кўтал била Парвон орасида яна етти кўтал бор учун Ҳафтбача дерлар. Андароб тарафидин икки йўл келиб, улуғ кўталда қотилиб ҳафтбача била Парвонга келур. Бисёр пур машаққат йўлдур"[4].

"Кўтал" сўзи айрим ҳолларда баландлик, банд, тўсиқ, кичикроқ довондан ошиб ўтадиган йўлга нисбатан ҳам ишлатилиши кузатилади. Жанубдан шимолга томон ҳаракат қилаётган йўловчи Оққўтал тизмасига яқинлашар экан, эски Дарбанд назорат пункти ёнига яқинлашган сари бу тизма икки тоғ орасидаги тўсиққа, бандга, қўл билан яратилган сунъий тизмага ўхшаб кўринади. Бу ҳақда З.М.Бобур "Бобурнома" асаридаги қуйидаги фикрлари ҳам муҳимдир. "Яна бири Ғурбанд вилоятидир. Ул вилоятларда кўталларни *банд* дерлар. Ғўр сари бу кўтал била борурлар, ғолиба ул жиҳатдин Ғурбанд дебтурлар... Дерларким, Ғурбанд тоғларида кумуш кони ва ложувард кони бўлур[5]." Оққўтал топоними таркибидаги сифат сўз туркумига кирувчи *оқ* сўзи ушбу тизманинг табиий таркиби оҳактошлардан тузилганлигини кўрсатади[6]. Бугунги кунда Оққўтал тизма тоғи қаридан гипс қазиб олиш цехининг мавжудлиги ҳам бунинг исботи ҳисобланади. Ушбу қўшма сўз таркибидаги *кўтал* сўзи *оқ* сўзи билан қўшилиб, икки осмонўпар тоғ ўртасидаги табиий тўсиққа ўхшайди. Икки катта тоғнинг ярим белидан анча паст ҳолатда тоғ тизмаси ястаниб ётибди. Бу тизмадан йўловчилар эркин ўта олмайдилар. Ундан ўтиш турли хил машаққатларни тақозо этади. Яқин атрофда Оққўталдай ўтиш жойи йўқ. Қадимда ота-боболаримиз ана шу тоғ тизмасини ўз мамлакатларининг хавфсизлиги учун хизмат қиладиган тизмага айлантирган. Илк Кушон давлатининг ҳукмдорлари ана шу табиий тизманинг энг баланд жойларини танлаб Сувсиз ва Саримас тоғлари орасида душманлардан ҳимоя қилувчи ҳарбий истеҳком қурганлар. Ушбу истеҳком деворларининг қолдиқлари баъзи жойларда сақланиб қолган. Уни оддий кўз билан эркин кузатиш мумкин. Айниқса, Саримас тоғининг баланд қояларига бориб тақалувчи шимол томонидаги қисми яққол кўриниб туради. Бу иншоотнинг қолдиқлари Шерхожи қўрғонидан туриб кузатган одамга тизманинг кунчиқар томони бўйлаб Шўроб дарёсига томон пастлаб чўзилиб кетган қисми ҳам яққол кўриниб туради. Бу улкан иншоотга одамлар узоқ йиллар эътибор бермай келар, фақат қадимги аждодларимиз томонидан қолган ёдгарлик сифатида қараб келар эди. Академик Э.В. Ртвеладзе томонидан ўтган асрнинг 70-80- йилларида олиб борилган тадқиқотлари асосида бу ёдгорлик Кушон давлатининг шимоли – ғарбида қурилган "**Бахтриянинг Дарбанд мудофаа девори"** сифатида кашф қилинди[7]. [7; 34.) Ҳазрат Навоий "Садди Искандарий" достонида Искандар қўшинлари би-

[1] Монгольско-русский словарь. – М., 1957. – Б. 556.

[2] Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 105.

[3] Тўхташ Аннаев, Бекмурод Тилавов, Шамсутдун Худайбердиев. Бойсун археологик ёдгорликлари. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – Б. 9.

[4] Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 193.

[5] Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 193.

[6] Пословская О.П.Жанубий Ўзбекистон тоғларида // Тошкент: Ўзбекистон, 1969. – Б. 47.

[7] Ртвеладзе Э.В. Стена Дарбанда Бактерийского // Общественных наук Узбекистана.1986 г. № 12 с. 34.

лан Кашмир ҳукмдори Маллу ўртасидаги биринчи тўқнашув тафсилотларини баён қилишда Оққўтал тизмаси устига қурилган ҳарбий истеҳкомни асос қилиб олган кўринади.

Бу йўлким анга тоғ ўлуб ҳар сари,
Келиб арзи тахмин била юз қари.
Ани аҳли Кашмир дарбанд этиб,
Ики тоғни бир-бирига пайванд этиб.
Юз эллик қари авжи рифъат анга ,
Яна мунча дағи захомат анга.
Анингдек кўюб гаж била хоро тош,
Ки ердин бўлиб кўкка якпора тош.
Темурдин ясаб анда дарвозае.
Фалак тоқидин тоқи андозае. (СИ, 213.)

Суғдиёнада қаттиқ қаршиликка учраган Искандар ўз йўналишини Ҳиндистонга бурди. Барча лашкарбошилар сингари ўзининг олимлари қўшин бошлиқлари билан кенгашиб Ҳиндистонга борадиган асосий йўл ўзанларини белгилаб олди. Бу йўлда унга икки катта тўсиқ бор эди. Бири Самарқанднинг жанубини қуршаб олган Ҳисор тизма тоғлари бўлса, иккинчиси Жайҳундай катта дарёдан ўтиб олиш кечувларини белгилаш эди. Албатта юз минглаб қўшинларни бир жойдан иккинчи мамлакатга ўтказиш бир неча йўналишда олиб борилар эди. Лашкарбоши ана шу йўналишларни белгилаб олди. Бу йўлнинг асосий ўзани Сурхон ваҳосидан ўтарди. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонини ёзар экан, аввало Искандардай улуғ лашкарбошининг ҳарбий ҳаракатлар йўнашини ўрганди ва шу асосда достон воқеаларини тизиб чиқди. Ҳиндистон тупроғига йўл олган қўшинларнинг Темир дарвоза ҳудудида рўй берган дастлабки тўқнашувларини тасвирлади. Искандар бу ерда Кашмир ҳукмдори Маллу қўшинлари билан биринчи бор Темир дарвоза ҳудудида тўқнаш келди. Буюк мутафаккир бу воқеани тасвирлашда кашмирликларнинг жодугорлик ва афсунгарлик деталларидан фойдаланади. Искандарни эса илм-фан соҳиби сифатида бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлайди. Қадимги Бақтрия билан Суғдиёна чегараларида қурилган қадимги “Бақтриянинг Дарбанд мудофаа девори”дан фойдаланади. Искандарнинг кўп сонли қўшин билан келаётганини билган Маллу жуда катта мудофаа деворини қуради ва сеҳр жоду кучи билан Искандар қўшинларини мавҳ этмоқчи бўлади.

Демай кимса дарбанду бору ани,
Тасаввур қилиб ақл жоду ани.
Ичинда ики минг киши чорасоз,
Бори ҳийлапардозу афсунтироз. (СИ, 213.)

Искандар қўшинлари Маллу қурган жодугарлар мудофаа деворларига ҳужум бошлашга киришади. Қўшиннинг олдинги сафлари жодугарлар қўрғонига яқинлашар экан бир мудҳиш воқеага дуч келади. Искандар қўшинларининг олдинги сафлари душман мудофаа чизиғига минг қадам қолганда бирдан мадори қуриб ерга йиқилади. Ҳатто отлар ҳам ҳолсизланиб ер билан яксон бўлади. Искандар бу воқеа содир бўлган жойни Арасту ҳаким билан бориб кузатди ва олимларини йиғиб кенгаш ўтказди. Икки кундан кейин Искандар олимлари томонидан ясалган қудратли қурол воситасида душман ҳарбий иншоотини тор-мор келтириб, уни тўла эгаллади. А.Навоий “Садди Искандарий” достонида тасвирланган ҳарбий истеҳком Сувсиз ва Саримас тоғлари орасида зоҳир бўлган Темир дарвоза ҳудидига тўғри келади[1]. Темир дарвоза А. Навоий яшаган даврда ҳам ҳаракатда бўлган ва одамлар ундан ўтиб турган. Ўша давр адабиётида ҳам тилга олинган. Ўз даврининг барча илмларини мутафаккир даражасида билган шоир Темир дарвозанинг турли номларини ва ёшлигидан ихлос қўйган устози Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Қаҳалқа деб номланганидан хабари бор эди. (А. Навоий “Садди Искандарий ”достонида Темир дарвоза деб номланган Бўзғалахона дарасининг тасвири аниқ мисраларда ифодаланган. Бироқ Оққўтал тизмаси устида қурилган Сувсиз ва Саримас тоғларини бирлаштириб турган мудофаа деворларининг қолдиқлари ва ҳозирги адабиётларда Шерхожи қўрғони номи билан юритилаётган ҳарбий иншоот ҳам бор эди. Буларнинг барисини кўрган Навоий бундай мустаҳкам қалъанинг дарвозаси бўлишини ҳам идрок қилган шоир “Темирдан қурилган дарвоза” терминини ишлатади ва унинг тафсилотларини баён этади. Чунки шоир асарни ёзар экан асосий эътиборни “Бахтриянинг Дарбанд мудофаа девори”га қаратади. Чунки бу мудофаа иншооти Оққўтал тизмасининг қиррасида қурилган эди.

Топонимикада ишлатилган ўрин-жой номлари аксар атрофдаги аҳоли манзилгоҳлари ёки бошқа бир топонимик бирликларда, оронимларда учраши керак. Шу жиҳатдан қараганда бизнинг ҳудидимизнинг қаеридадир кўтал сўзи иштирок этган ва шу номга монанд жой номи такрорланган бўлиши мумкин. Диққат билан кузатаганимизда Сайробдан Панжобга бориладиган йўлда. Кўтали Панжоб ва дарбанддаги Кўтали Шариф номли кўталлар Оққўтал тизмасидан унча узоқ эмас. Тўра Нафасов Тожикистон ва Қирғизистонда ҳам кўтал лексемали оронимлар кўп эканлигини таъкидлаган ҳолда Деҳқонобод туманидаги Кўтантоғ топонмини кўтал сўзининг варианти деб

[1] Ёқубов Ш. Дарбанд атамасининг услубий қўлланиши // Сурхондарё: илм, фан ва тафаккур. 2022 й. Махсус сон. – Б. 63-68.

ҳисоблайди[1]. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг 5-томида Ўзбекистонда Ўзбеккўтал, Тожиккўтал сингари кўплаб кўтал компонентли жой номларининг учраши баён этилади. Демак, Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ўзбекистонда келиб чиқиши туркий тилларга бориб тақаладиган кўтал сўзи кенг тарқалган.

Оққўтал сўзи билан Дарбанд топоними маълум даражада бир-бири билан алоқадор кўринади. З.М. Бобур таъкидлаганидек, кўтал сўзининг "банд" маъноси ҳам бор. Фикримизча, банд сўзи билан кўтал сўзи бир-бирига яқин ҳисобланади. Улар бир-бирини тақозо қилади. Чунки ҳар бир кўтал маълум даражада банд ҳисобланади. Ҳар бир кичикроқ банддан ўтиш жараёни баъзи бир машаққатларни келтириб чиқарувчи баландлик(кўтал) ҳисобланади.

Резюме. Мақолада Дарбанд, Оққўтал ва Темир дарвоза топонимлари ҳар томонлама таҳлил қилинади. Таҳлил давомида уларнинг ўзаро алоқадорлиги аниқланади. Оққўтал сўзи бир қатор товуш ўзгаришларига учраб, бугунги кунда ушбу кўринишга эга бўлиб қолганлиги назарий жиҳатдан асосланади. Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида қўлланган "Темирдан қурилган дарвоза" ҳақидаги фикрлари юқоридаги топонимлар билан муштаракликни ташкил этилади.

Resume. The toponyms of Darband, Akqotal and Iron gate are comprehensively analyzed in the article. During the analysis, their interrelationship is determined. It is theoretically based on the fact that the word Akqotal has undergone a number of sound changes and has acquired this appearance today. Alisher Navoi's thoughts about the "Iron Gate" used in the epic "Saddi Iskandari" are similar to the above toponyms.

Резюме. В статье всесторонне анализированы топонимы Дарбанд, Аккоталь и железные варота. В ходе анализа выявлена их взаимосвязь.Теоретически обосновано, что слово Аккоталь, претерпев ряд звуковых изменений, сегодня приобрело такой вид. Мнения Алишера Навои о "Железных воротах", использованные в дастане "Искандерова стена", составляют общность с вышеперечисленными топонимами.